

## Сиқилган табиий газ етказиб беришга

### ШАРТНОМА № 6

Тўрақўрғон шаҳар

26 январь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида ҳаракат қилувчи «SHOXIDON METAN GAZ» масъулияти чекланган жамияти кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи номидан раҳбар Ғ.Эргашев бир томондан ва амалдаги Низом асосида ҳаракат қилувчи, кейинчалик «Истеъмолчи» деб юритилувчи Тўрақўрғон туман ҳокимлиги номидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Турғунов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

#### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га сифатли ва талаб даражасида автомобиллар учун сиқилган табиий газ етказиб бериш ва барча ўзига бириктирилган мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини кафолатлайди.

№	Махсулот номи	Ул. бир.	Микдори	Нархи	Қиймати
1	Газ ускунали автомобиллар учун сиқилган табиий газ етказиб бериш	Куб. метр	5554	2700	14 995 800
	<b>Жами:</b>				<b>14 995 800</b>

1.2. "Истеъмолчи" эса "Етказиб берувчи" томонидан бажарилган хизматлар учун амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 14 995 800 (ўн тўрт миллион тўққиз юз тўқсон беш минг саккиз юз) сўми ташкил этади.

2.2. "Истеъмолчи" етказиб бериладиган махсулот учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган микдордан кам бўлмаган, яъни ушбу шартномага асосан қилинган иловадаги ойлик кўрсатилган суммасининг 100 фоизи микдорда олдиндан "Етказиб берувчи"нинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган микдорда ўтказилган тўловидан сўнг кўрсатилган муддат ичида махсулотларни тўла етказилишини кафолатлайди.

2.4. Етказиб берилган махсулот учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Истеъмолчи" нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган махсулот "Истеъмолчи"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомга мувофиқ махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш;

Ўз буюртмасига асосан етказиб бериладиган махсулотларни мазкур шартномага асосан қабул қилиш.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Махсулот учун олдиндан 100 фоиз микдорда аванс тўланишини ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини "Бюртмачи"дан талаб қилиш.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида уч кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган махсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### VI. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Форс мажор ҳолатлари жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республика ҳукумати томонидан янги Қонунлар чиқишини ҳисобга олинади.

#### VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛ

8.1. Мазкур шартномани икки томон тасдиқлагандан сунг ҳамда тегишли ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин қонуний кучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### Истеъмолчи

Тўрақўрғон туман Ҳокимлиги  
Тўрақўрғон куча 16-уй  
Тошкент Марказий банк ХККМ  
ИИН:202311738 МФО00014  
Ш.х/р 100022860142247011204018001  
ОКОНХ 91700  
х/р 23402000300100001010  
МФО 00014 ИИН:201122919  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Ғазначилиги

Раҳбар Э.Тўрғунов

Юрист А.Надирев

##### Етказиб берувчи

«SHOXIDON metan gaz» МЧЖ  
Тўрақўрғон шаҳар Бахт мфй  
МФО: 00992  
Хамкор банк Наманган филиали  
Х.р: 20208000904711266001  
ИИН: 206964129

Раҳбар Ғ.Эргашев

Юрист \_\_\_\_\_

Туракургон туман хокимлиги билан "SHOXIDON METAN GAZ" масъулияти чекланган жамияти  
уртасидага 2022 йил 26 январдаги б-сонли шартномага

ИЛОВА

№	Ойлар	7011 204 018 стат-42 52 500			Индексация	Хаммаси
		Микдори м3	нархи	Суммаси		
1	Январ	1851	2700,0	4997700		4997700
2	феврал	1851	2700,0	4997700		4997700
3	март	1852	2700,0	5000400		5000400
	<b>1-чорак</b>	<b>5554</b>		<b>14995800</b>	<b>0</b>	<b>14995800</b>
4	апрел					
5	май					
6	июн					
	<b>2-чорак</b>	<b>0</b>		<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
7	июл					
8	август					
9	сентябр					
	<b>3-чорак</b>	<b>0</b>		<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
10	октябр					
11	ноябр					
12	декабр					
	<b>4-чорак</b>	<b>0</b>		<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
	<b>Жами</b>	<b>5554</b>		<b>14995800</b>	<b>0</b>	<b>14995800</b>

Туман хокимининг  
Биринчи уринбосари



"SHOXIDON METAN GAZ" МЧЖ

раҳбари

Э.Тургунов

Ғ.Эргашев